

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc27.06.2017. К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

ҚОДИРБЕКОВА ҚУТПИНИСА КАРИМОВНА

**ФИЗИК УСУЛДА ОЛИНАДИГАН КОМПОЗИЦИОН
НАНОТУЗИЛИШЛИ ҚОПЛАМАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИ
ТАРКИБИ ВА ОПТИМАЛ ТЕХНОЛОГИК РЕЖИМЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

**05.02.01 –Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик.
Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб
металлар металлургияси (материалшунослик ва металлургия
йўналишлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2018

**Техника фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
по техническим наукам**

Contents of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Қодирбекова Қутпиниса Каримовна

Физик усулда олинадиган композицион нанотузилишли қопламаларнинг самарадорли таркиби ва оптимал технологик режимларини ишлаб чиқиш..... 3

Кадырбекова Кутпиниса Каримовна

Разработка эффективных составов и оптимальных технологических режимов получения композиционных наноструктурированных покрытий физическим методом25

Kadirbekova Kutpinisa Karimovna

Development of effective compositions and optimal technological regimes, preparation of composite nanostructured coatings by physical method..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc27.06.2017. К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

ҚОДИРБЕКОВА ҚУТПИНИСА КАРИМОВНА

**ФИЗИК УСУЛДА ОЛИНАДИГАН КОМПОЗИЦИОН
НАНОТУЗИЛИШЛИ ҚОПЛАМАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИ
ТАРКИБИ ВА ОПТИМАЛ ТЕХНОЛОГИК РЕЖИМЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

**05.02.01 –Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик.
Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб
металлар металлургияси (материалшунослик ва металлургия
йўналишлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2018

Техника фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.DSc/Т33 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gup.ft.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сайдахмедов Равшан Халходжаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раджабов Тельман Дадаевич
ЎзР ФА академиги, физика-математика
фанлари доктори, профессор

Михридинов Рискидин
техника фанлари доктори, профессор

Рискулов Алимжон Ахмаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирза Ғолиб кўчаси, 7^а – уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; email: gupft@inbox.uz. «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2 қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирза Ғолиб кўчаси, 7^а – уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги 6-рақамли реестр баённомаси).

С.С. Негматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
ЎзР ФА академиги, т.ф.д., профессор

М.Г. Бабаханова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

Н. Галипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё бўйича машинасозликда пластик-қовушқоқ ва қийин ишлов бериладиган материаллар учун кесувчи асбобларнинг ишчи юзасига химояловчи композицион нанотузилишли қопламалар кенг қўлланилиб, илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўтиш металлларнинг нитрид ва карбидлари АҚШ, Германия, Австрия, Япония, Россия ва бошқа давлатлар саноатида химояловчи қоплама сифатида кенг қўлланилмоқда. Нитридларнинг бинар тизимлари ичида титан нитриди (TiN) ўзининг юқори механик кўрсаткичлари ва коррозия бардошлигига эга бўлгани учун кенг қўлланиладиган материал ҳисобланади. Қопламаларни физик-механик хоссаларини яхшилаш учун титан нитридини Даврий системанинг IV-VI гуруҳ бошқа элементлари билан легирлаш усуллари қўлланилади. Нитридларни мос элементлар билан легирлаш ҳисобига икки элементли қопламалардан (TiN, ZrN, CrN) мураккабларига ўтиш қопламаларни хоссаларини ўзгартириш имкониятини берадиган самарали усул бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда ейилишга юқори бардошли, давомли хизмат қиладиган кесувчи асбоблар юзасидаги композицион нанотузилишли қопламаларни олиш имконини берадиган материаллар мавжуд бўлиб, улардан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Бу эса танланган мавзунинг ҳозирги замон талабига мослигини кўрсатади. Шунинг учун кесувчи асбобларни физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини оширишни, асбобни ишчи юзасига юқори қаттиқлик, паст ишқаланиш коэффициенти, асос (субстрат) билан яхши адгезион мустаҳкамлик, оксидланишга турғунлик ва ейилишга юқори бардошликни таъминловчи энг истиқболли йўналиш ион-плазма усулида цирконий, титан ва бошқа элементларнинг нитридлари, карбидлари асосида самарадор таркибли композицион нанотузилишли қопламаларни ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш асосий ўрин эгаллайди.

Республикамизда физик усуллар ёрдамида композицион қопламалар олиш борасида кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш,...Ўзбекистонга янги технологияларни олиб кириш, янги технологияларни яратиш...» юзасидан қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада физик усулда олинадиган композицион нанотузилишли қопламаларнинг самарадорли таркиби ва оптимал технологик режимларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай тизимлар структураси, таркиби ҳамда эксплуатацион хоссаларини ностехиометрия ва легирлаш, бунинг асосида махсулот юзасида юқори физик-механик хоссаларга эга нанотузилишли қопламаларни яратиш ёки уларни химояловчи пленка сифатида қўллаш имконини беради. Шу билан бирга композицион

нанотузилишли қопламаларни самарадорли таркибини ишлаб чиқишда уларни экологик тоза ва тежамкор технологиялар асосида олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги ПҚ- 2698-сон қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ўзининг муносиб улушини қўшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергоресуртежамкорлик, машинасозлик ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Кўп компонентли, моно ва кўп қатламли композицион қопламаларнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларини ўзгартиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Technische Universitaet Wien (Австрия), Stanford University (АҚШ), Lehmzentrum, Dachverband Lehm Германия), Universit Nagoya (Япония), National technologies institut of Kumoh (Жанубий Корея), Москва дастгоҳлар ва асбоблар технологик институти (МосСтанкин - Россия), Россия авиация материаллари институти (ВИАМ- Россия), Москва авиация институти (МАИ-Россия), Харьков физика техника институти (ХФТИ-Украина), Ион-плазма ва лазер технологиялари институти (Ўзбекистон), Тошкент давлат техника университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Функционал қопламаларни олиш учун вакуум қурилмаларни яратиш борасида жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: монокомпонентли, кўпкомпонентли, кўпқатламли функционал қопламалар яратилган (Multi Arc Vacuum System (АҚШ)); кўп функционал, ейилишга чидамли қопламаларни қаттиқ қотишмалардан тайёрланган кесувчи асбоблар юзасига қоплаш усули ишлаб чиқилган (Platit (Швецария) фирмаси); кўп компонентли, юқори ҳароратларда ишлайдиган, газ коррозиясига юқори бардошлик имкониятига эга қопламалар яратилганлиги натижасида янги таркибли қопламалар ишлаб чиқилган (Россия авиация материаллари институти (ВИАМ));ион-плазма

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи .Lippitz, Th.Hübert. “XPS investigations of chromiumnitride thin films” Surf. Coat. Techn. 200 (2005) 250-253, Darja Kek Merl, Ingrid Milosev, Peter Panjan, Franc Zupanic. Morphology and corrosion properties PVD Cr-N coatings deposited on aluminium alloys//Materials and technology 45 (2011) 6, 593–597 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

усулини яратиб дастлабки курилмалар ишлаб чиқилган, натижада кўп компонентли, кўп қатламли қопламалар олинган (Харьков физика техника институти (ХФТИ - Украина)).

Дунёда тегишли илмий-тадқиқот марказларда композицион наноструктурали қопламаларни физик-механик, физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги тадқиқотлар олиб борилмоқда: композицион наноструктурали қопламаларни самарали ўтиш металллар, уларнинг нитридлари, карбидлари, оксидлари асосидаги таркибини ишлаб чиқиш; композицион наноструктурали қопламаларни самарали таркибини эксплуатацион хоссаларига таъсирини аниқлаш; композицион наноструктурали қопламаларни самарали ўтиш металллар, уларнинг нитридлари, карбидлари, оксидлари асосидаги таркиби олишни оптимал технологик режимларини ишлаб чиқиш.

Бугунги кунда кесувчи асбоблар юзасини монокомпонентли, кўпкомпонентли, кўпқатламли функционал композицион нанотузилишли қопламалар билан қоплаб уларнинг физик-механик, физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини талабга мос равишда ўзгартирадиган самарали таркибли, оптимал технологик режимларини яратиш каби устивор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу йўналиш бўйича назарий тадқиқотларида кўплаб хорижий олимлар: Андриевский Р.А., Новоженев В.А., Карпман М.Г., Вол А., Алисова С.П., Будберг П.Б., Белый А.В., Карпенко Г.Д., Верещака А.С., Сайдахмедов Р.Х., Musil J., Lestina J., Vlcek J., Told T., Kelly P.J., Arnell R.D., Mahoney L.J., Brown D.W., Petrmi R.H. ва бошқалар, физик усуллар ёрдамида технологиялар ишлаб чиқиш соҳасида эса Барвинок В.А., Житомирский В.Н., Раджабов Т.Д., Мацевитый В.М., Борушко М.С., Береснев В. М., Умирзаков Б.Е., Каламазов Р.У, Камардин А.И., Симонов А. ва бошқаларнинг салмоқли хиссалари бор.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, кесувчи асбоблар, металл деталлар юзасидаги қопламаларни таркибини ва олиш технологиясини яратишда эксплуатацион хоссалар комплексини шакллантиришда ностехиометрияни роли деярли ҳисобга олинмаган, функционал қопламаларни яратишда асосий принциплари ишлаб чиқилмаган, шу жумладан, таркиб, структура ҳолат диаграммалари «р-Т-х» диаграммаси асосида ўзаро боғлиқлиги ва Даврий элементлар системасининг IV-VI гуруҳ ўтиш металлари асосидаги кўп компонентли қопламалар таркиби ўрганилмаган. Металлар, нитридлар, карбидлар асосидаги композицион нанотузилишли қопламаларни физик-кимёвий хоссалари тўлиқ ўрганилмаган, Zr, Ti, Cr уларнинг нитридлари ва карбидлари асосли наноструктурали қопламаларни кристаллар ўлчами етарлича тадқиқот қилинмаган, ностехиометрия ва легирлаш ҳисобига структура ва таркибни бошқариш усуллари ишлаб чиқилмаган.

Яъни, физик усулда композицион нанотузилишли самарадор таркибли қопламалар олишни оптимал технологик режимларини ишлаб чиқиш ўз ниҳоясига етмаган. Мазкур диссертация иши ушбу муоммани ечимига

бағишланган ва муҳим долзарб вазифа ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетива ва «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ўзбекистон Республикаси ДИТҚ амалий, инновацион ва фундаментал лойиҳалари: № 19.22 «Ўтиш металлари асосидаги таркиби ва хоссалари белгиланган ион-плазма қопламаларнинг тадқиқоти» (2003-2005йй.), №ОТ-ИД/11-4-38 «Кесувчи асбобва технологик ускуналарнинг ишчи юзаларида белгиланган хоссали қопламаларни олиш технологиясини яратиш (2011-2012йй.), № ОТ-Ф5-048 «Ўтиш металлари асосли нитрид ва карбидли наноструктурали функционал қопламалар яратишнинг физик-кимёвий асослари» (2007-2011йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: физик усулда ион-плазма жараёни ёрдамида олинадиган композицион нанотузилишли қопламаларнинг физик-механик, физик-кимёвий хоссаларини яхшилайдиган самарадор таркибини ва оптимал технологик режимларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: физик усулда олинадиган карбидли, нитридли ва металл брикмалар асосли композицион нанотузилишли қопламаларнинг фазавий ва кимёвий самарали таркибини ишлаб чиқиш;

ион-плазма композицион нанотузилишли қопламаларнинг структураси, хоссалари ва асос материали билан адгезион ўзаро таъсирига ностехиометриянинг таъсирини тадқиқотлаш;

ион-плазма жараёни параметрларини композицион нанотузилишли қопламаларнинг физик-механик, физик-кимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

белгиланган хоссали композицион нанотузилишли қопламаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: композицион нанотузилишли қопламалар, қийин ишланадиган ва қовушқоқ-пластик материаллар учун кесувчи асбоб.

Тадқиқотнинг предмети: функционал композицион нанотузилишли қопламаларни самарали таркиби, қопламаларнинг физик-механик, физик-кимёвий хоссалари, структура, фазалар таркиби ва қопламани ишлов берилаётган материал билан ўзаро адгезион таъсиридан ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида AES (электрон Оже-спектроскопия), XPS (рентген фотоэлектрон спектроскопия), HREELS (юқори имкониятли электронларнинг энергетик йўқотишларининг спектроскопияси), ёритувчи электрон микроскопия, микроқаттиқликни, ейилишга турғунликни, коррозия бардошлиқни аниқлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

ион-плазма усулида титан нитриди, титан карбиди ва цирконий асосли

қопламаларни олиш жараёнида стехиометрик ва ностехиометрик таркибли қопламалар аниқланган ва тезкесар пўлатларда титан нитриди асосида $P_{N_2} = 0,399$ Па дан $TiN_{0,962}$ то $P_{N_2} = 0,0039$ Па $TiN_{0,624}$ гача ташкил этувчилари турли нисбатда бўлган нанотузилишли қопламалар олинган ва уларнинг нанозаррачалари ўлчами 50 - 200 нм гачалиги аниқланган;

TiC_x , ZrC_x композицион нанотузилишли қопламаларнинг фазавий ва кимёвий таркибини олдиндан аниқлаш имконини берувчи «р-Т-х» диаграммалари такомиллаштирилган;

ион-плазма усулида шаклланадиган композицион нанотузилишли қопламаларнинг самарали таркибини ва оптимал технологик режимларини танлаш принциплари ишлаб чиқилган;

универсал «р-Т-х» диаграммадан фойдаланиб вакуум қопламаларнинг фазавий ва кимёвий таркиблари танланган;

наноструктурали қопламаларнинг миқдор ва сифат ўлчамларига вакуум камерадаги $P=3 \cdot 10^{-3}$ босимда олинган қоплама структураси заррачалари 55 % - 70 нм, 15% - 120 нм, 30% - 170нм, босим $P = 3 \cdot 10^{-4}$ Па бўлганда олинган хром асосли қопламанинг структураси 97%га 45нм ўлчамли нанозаррачалардан иборатлиги аниқланган;

хром асосида олинган композицион нанотузилишли қопламаларда нанозаррачаларни тақсимланиши ва миқдорига ион-плазма технологик жараёнининг режимлари таъсир этиши аниқланган;

цирконийни ниобий билан легирлаш қопламанинг эксплуатацион хоссаларини оптималлаштириш имконини бериши аниқланган;

қопламаларни физик-кимёвий хоссалари ва қопламани ишланадиган асос материали билан адгезион ўзаро таъсири ностехиометрия ҳисобига оптималлаштирилган ва самарали таркибли композицион нанотузилишли қопламаларнинг ион-плазма усулида олишнинг оптимал технологик режимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

хром, титан, цирконий ва уларнинг нитридлари, карбидлари асосли композицион нанотузилишли қопламаларнинг самарали таркиблари ишлаб чиқилган;

титан ва цирконий нитридлари, карбидлари асосли ностехиометрик таркибли юқори эксплуатацион хоссаларни таъминловчи композицион нанотузилишли қопламалар олишнинг оптимал технологик режимлари ишлаб чиқилган;

ниобий билан легирланган кўп компонентли композицион нанотузилишли цирконий асосидаги қопламалар олишнинг оптимал технологик режимлари ишлаб чиқилган;

хромли қопламаларда нанозаррачаларнинг ўлчамларини ва ҳажмий миқдорини бошқариш технологик режимлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўланилган ES (электрон Оже-спектроскопия), XPS (рентген фотоэлектрон спектроскопия), HREELS (юқори имкониятли электронларнинг энергетик йўқотишларининг

спектроскопияси), ёритувчи электрон микроскопия ҳамда замонавий услуб ва аналитик воситалардан фойдаланганлиги билан изоҳланади. Тажрибавий тадқиқотларни статистик ишлов берилган маълумотлари, уларни мавжуд аналоглар билан солиштиришда, олинган натижаларни ишлаб чиқаришга реал иқтисодий самарадорлик билан жорий этилганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти карбидли, нитридли, кўп компонентли ва металл қопламаларни хоссаларини яхшиланиши, «таркиб-структура-хосса» ҳолат диаграмаси, р-Т-х диаграммалари, қопламаларни ишлов берилётган материал ва асос билан адгезион ўзаро таъсири асосида қопламалар таркибини танлаш принципларининг яратилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, кесувчи асбоб юзасида оптимал эксплуатацион хоссаларни таъминловчи қопламалар олишнинг янги самалари технологияси ишлаб чиқиш натижасида, қопламали кесувчи асбобларнинг турғунлиги (ейилишга чидамлиги) 3-5 мартага оширилган. Ностехиометрияни ўзгариши эса титан нитриди асосли қопламаларда коррозия бардошлигининг 6 мартагача ошишига ва максимал микроқаттиқлик қопламаларда $TiN_{\sim 0,80}$ ностехиометрик таркибга тўғри келишини таъминланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ион-плазма функционал қопламалар таркибини танлаш принциплари ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

композицион наноструктурали қопламали кесувчи асбоблар «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» АЖ тизимидаги «Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқиш» ИИБ да қийин ишлов бериладиган материалларга кесиш жараёнига жорий этилган («Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 25 августдаги ОП-07229-сон маълумотномаси). Натижада асбобларни ейилишга чидамлилигини 3-5 баробарга ошириш имкони берилган;

олинган ташкил этувчилари турли нисбатда бўлган титан нитриди асосида нанотузилишли қопламалар Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати амалиётига жорий этилган («Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 25 августдаги ОП-07229-сон маълумотномаси). Натижада қимматбаҳо материалга кетадиган сарф-ҳаражатлар бир неча баробарга қисқартирилиш имконини берган;

такомиллаштирилган «р-Т-х» диаграммасидан TiC_x , ZrC_x қопламаларнинг таркиби ва хоссаларини олдиндан аниқлаш имконияти Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатида амалиётга жорий этилган («Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 25 августдаги ОП-07229-сон маълумотномаси). Натижада ноёб тадқиқот ускуналарини қўллаб тадқиқотлар ўтказиш учун кетадиган сарф-ҳаражатларни камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган янги таркибли ион-плазма композицион наноструктурали қопламалар олиш технологияси Олмалиқ тоғ-кон

металлургия комбинатининг амалиётига жорий этилган («Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 25 августдаги ОП-07229-сон маълумотномаси). Натижада асбоб ва деталларнинг турғунлигини ошириш, сарф харажатларни қисқариш ва амалдаги иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Мазкур тадқиқот натижалари 28 та, жумладан 12 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 57та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 3та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 11 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, тадқиқотларнинг объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларнинг тараққиётини устувор йўналишларга мослиги, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти, олинган композицион нанотузилишли қопламаларни амалиётида қўлланилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Композицион нанотузилишли қопламаларни яратишнинг асосий принциплари**» деб номланган биринчи бобида композицион нанотузилишли қопламалар олиш бўйича тадқиқотларнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган, жумладан, самарали таркиблар ва оптимал технологик режимларни яратиш, қопламаларни физик-механик, физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш ва кесувчи асбобларни турғунлигини ошириш мақсадида уларнинг структурасини шакллантириш принциплари келтирилган.

Вакуум қурилмаларни яратиш, қопламаларни олиш, юзалар структурасини оптималлаштиришни илмий ва технологик асосларига бағишланган тадқиқотлар бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган.

Адабиётлар манбаларининг таҳлили замонавий техниканинг ривожланиши борасида конструкцион ва функционал материалларнинг эксплуатацион хоссаларига юқори талаблар қўйилишини кўрсатмоқда. Харажатларни қисқартириш йўлларида бири - махсулотлар юзасининг хоссаларини белгиланган функционал қопламалар хисобига

модификациялашдан иборат.

Асбоб ва ускуналарнинг юза қатламини хоссалари кўп компонентли ва кўп қатламли композицион нанотузилишли қопламаларни қоплаш ҳисобига яхшиланади, уларни ейилишга чидамлиги ошади ва ҳаражатлар камаяди.

Композицион нанотузилишли қопламаларни ностехиометрик таркибини бошқариш кенг миқёсда қопламаларни хоссаларини ўзгартириш имкониятини яратади, бу эса ўз навбатида қопламали асбоб-ускуналарнинг хоссаларини ўзгартиради.

Ўтиш металлларидан ташкил топган карбид ва нитрид асосли ион-плазма қопламаларни яратишда асосий эътибор ўтиш металлларини турли металллар билан легирлашга қаратилган. Шу билан бирга қопламаларнинг эксплуатацион хоссаларини шакллантиришда ностехиометриянинг таъсири атрофлича ўрганилмаган. Ностехиометрия деб кимёвий бирикма компонентлари ўртасидаги миқдорий нисбатнинг стехиометрия қоидалари белгилайдиган нисбатга қараганда оғишига айтилади. Ностехиометрия асосан карбидлар, нитридлар, оксидлар ва бошқа киритилиш фазаларга ҳос.

Металлар орасидаги реакцияларнинг энг муҳим шарти уларни элементлар Даврий системасида ўзаро жойлашиши, бундан атомларни электрон тузилишининг ўхшашлиги ва фарқи ҳамда компонентларни физик-кимёвий хоссалари келиб чиқади.

Физика, кимё ва материалшуносликнинг фундаментал асосларини қўллаган ҳолда моно ва кўп қатламли, кўп компонентли қопламаларни олиш усуллари кўриб чиқилди. Қопламаларга қўллашнинг эксплуатацион шартларига қараб қўйиладиган талаблар келтирилган. Материалларни ҳолат диаграммаси, шунингдек р-Т-х диаграммаси асосида ҳамда структура-таркиб-хосса ўзаро боғланиш асосида қопламаларни оптимал таркибини танлаш принципи келтирилган.

Композицион нанотузилишли қопламаларни олиш усуллари таҳлил қилиш асосида моно ва кўп қатламли, кўп компонентли қопламалар учун PVD усуллари универсалилиги, жумладан, ион-плазма усули асослаб кўрсатилган. Ушбу усул моно ва кўп компонентли, наноструктурали турли моно қалинликдаги нанометрдан бир неча микронгача бўлган қопламаларни олиш имкониятини беради.

Технологик жараён параметрларини бошқариш юқори самарали, стехиометрияси ўзгарувчан - бошқариладиган градиент қатламлар олиш имкониятини ҳамда шунга монан асос материали ва ишланадиган материалга нисбатан қоплама хоссаларини белгилаш имконини беради.

Диссертациянинг **«Хром, титан, цирконий асосли композицион нанотузилишли қотишмаларнинг фаза, кимёвий таркиби ва хоссаларини назарий тадқиқотлари»** деб номланган иккинчи бобида титан элементининг Даврий элементлар системасининг IV-VI гуруҳ элементлари билан ўзаро таъсири кўриб чиқилди. Қопламалар таркибини аниқлашда системанинг IV гуруҳ металлларининг ўзаро таъсирида қуйидаги хусусиятларини аниқлаш мумкин.

Ti – Zr тизими титан ва цирконийни α - ва β - қаттиқ эритмаларининг модификацияларига мансуб бўлиб, ушбу тизимда қаттиқ эритмалардан Курнаков бирикмалари ҳосил бўлади. Курнаков бирикмаларида компонентларнинг базавий кристалл структураси сақланиб қолади, аммо уларнинг хоссалари ташкил этувчи компонентлар хоссасидан фарқ қилади. Шу сабабли ушбу фазалар қаттиқ эритмалардан бирикмаларга ўтиш чегарасини ташкил қилади. Ti – Zr тизимда қотишманинг хоссалари (НВ, σ , δ ва ψ) мувозанат ҳолатида Курнаковнинг узлуксиз қаттиқ эритмалар учун қонунларига биноан ўзгаради. Ўрганилаётган тизим қотишмаларининг хоссаларини Курнаков қонуни бўйича аниқлаш учун ушбу тизимни ташкил этувчи компонентлар хоссалари тўғрисида маълумот, қотишмалар ҳолат диаграммаси ҳамда титан цирконийни ўзаро таъсири асосидаги қоплама таркибини танлаш учун р-Т-х диаграммадан фойдаланилади. Вакуум қопламаларни олишда ҳарорат ва элементларнинг микдоридан ташқари, кўшимча учинчи ўзгарувчан фактор - вакуум камерасидаги босимни ҳисобга олиш зарур. Курнаков қонуни бўйича қаттиқ қотишмалар ҳосил бўлишида қотишмаларнинг хоссалари эгри чизиқли функционал боғланиш бўйича ўзгаради. Коррозия ва оловбардошлик вақт ва ҳароратга боғлиқ ҳолда маълум даражада юзадаги реакциялар билан белгиланади. Юзадаги оксид пленкаларни ҳосил бўлиши билан маълум концентрациялар ва ҳароратларда цирконий коррозия бардошликни, мустаҳкамликни, олов бардошликни оширади ва титаннинг иссиққа бардошлигини пасайтиради; Ti – Zr бирикмаларида, титаннинг микдори 20- 30% гача юқори концентрацияли сульфат ва хлорид кислоталарида титанни юқори коррозия бардошлиги сақланиб қолади. Юқорида келтирилганларга асосланган ҳолда қайд қилиш мумкин – асосий хоссаларни таркиб боғланиши узлуксиз қаттиқ эритмалар хоссаларини ўзгариш қонуниятига бўйсунди.

Хулоса сифатида кириш фазалари асосли қопламаларнинг эксплуатацион хоссаларини яхшилаш учун маълум элементлар билан легирлаш билан бир қаторда (металл ташкил этувчи бўйича) ностехиометрия имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда қоплама хоссаларини бошқаришни қўллаш лозим. Бу ҳолда яратиладиган қопламалар хоссалари бошқариш имконияти ўтиш металлари карбидлари, нитридлари гомоген соҳалари, шунингдек углерод ва азот панжалари асосидаги нуқсонлар ҳисобига кенгайди. Масалан, ностехиометрик таркибли титан ва цирконий карбид ва нитридлари - $TiC_{0,60}$, $TiN_{0,98}$, $ZrC_{0,78}$ ва $ZrN_{0,77}$ катта термик кенгайиш коэффицентига эга бўлса, ушбу металлларнинг қуйидаги - $TiC_{0,94}$, $TiN_{0,98}$, $ZrC_{0,8}$ ва $ZrN_{0,97}$ таркибга эга карбид ва нитридлари юқори микроқаттиқликка эга ҳамда иссиқ ўтқазувчанлик ва эластик модули ностехиометрияга боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Қопламалар таркибини танлаш принципларидан бири ўтиш металлларини ўзаро таъсирининг назарий асосларини база сифатида қўллаш.

Ўтиш металлари ўзаро таъсири барча параметрларини комплекс ҳисобга олиш қопламани зарур хоссали материални яратиш имкониятини беради.

Асбоблар ва деталлар учун қоплама танлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: фазалар диаграммаси бўйича зарур хоссаларни таъминлайдиган таркиб танланади, яъни «таркиб-тузилиш-хосса» диаграммага асосланган ҳолда. Ti-Zr, Ti-Nb, Ti-Cr ҳолат диаграммалари таҳлил қилиб чиқилди ва ҳосил бўладиган брикмаларнинг структураси ва хоссаларига компонентларни таъсир этиш қонуниятлари аниқланди.

Ўтиш металлари ва уларнинг карбидлари, нитридлари ва оксидлари асосида кўп компонентли қопламалар яратиш долзарб масалалардандир. Шу билан бирга қопламаларни металллар ҳамда нometаллар билан легирлашни уларнинг эксплуатацион хоссаларига таъсир этиш ролини ўрганиш жуда муҳимдир.

Диссертациянинг «**Қопламалар таркибини ишланадиган материал ва асос билан ўзаро адгезион таъсири асосида танлаш**» деб номланган учинчи бобида қопламани ишланадиган материал ва асос (субстракт) билан ўзаро адгезион таъсири кўриб чиқилди. Қулай шароитда икки фаза туташ келган чегарада ўзаро таъсирнинг физик-кимёвий жараёнлари рўй беради. Улар бирламчи ва иккиламчи жараёнларга бўлинади. Қоплама ва асос материаллари орасида Ван-дер-ваальс тортилиш кучлари ёки кимёвий боғланиш ҳосил бўлиши – ион, ковалент ёки металл боғланиш – бирламчи жараён. Бирламчи жараён адгезия ҳосил бўлишига олиб келадиган юза характерига эга, яъни турли фазалардаги атомлар орасида тортилиш ҳосил бўлади. Адгезия иш бирлигига эга: адгезиянинг физик ўлчови адгезиянинг солиштирма иши ҳисобланади, яъни суюқ ва қаттиқ фазаларни ажратиш иши $W_{ск}$ ёки иккита контакт юзаси бирга тенг қаттиқ фазаларни $W_{кк}$ таъсири.

Қопламаларни металлларга адгезияси металлларнинг контакт активлигига боғлиқ. Металлар ва қаттиқ қоплама ва турли типдаги эритмалар чегарасидаги фазалар ўртасидаги ўзаро таъсири ҳозирги кунда бир нечта позициядан изоҳланади. Адгезиянинг назарий мезони ва металлларни контакт активлиги деб қуйидагилар қабул қилинади:

қопламаларни металлларга адгезияси металлларнинг контакт активлигига боғлиқлиги қуйидаги мезонлар билан баҳоланган:

икки ўлчамли моноатомли чегара қатламидаги реакцияларни изобар потенциалари ΔG_T^0 (термодинамик мезон);


электрон қобиғларни тугалланганмаслик даражаси ва стабил конфигурацияли атомларнинг статистик оғирлиги (электрон-структура мезони);

Me–O, Me' - Me'' айрим боғланишларни ўртача энергияси ва бошқа бирикмаларга тўғри келадиган бирламчи яқинлашиб тузилишни ўртача энергияси (энергетик мезон);


металл-эритма чегарасида ҳосил бўладиган металлларни нормал электрод потенциаллари ϕ^0_{Me} , (электро-кимёвий мезон);

металл-диэлектрик чегарасидаги разрядли заряд (электростатик меъзон).

Қопламанинг фазавий ва кимёвий таркиби уларни ҳосил бўлиш эркин энергиясига таъсири аниқланди - ΔG^0 (1,2-расмлар).



1- расм. TiC_x учун ΔG^0 нинг углеродли фаза қисмига қараб ўзгариши



2 – расм ZrC_x учун ΔG^0 нинг углеродли фаза қисмига қараб ўзгариши

Фазавий таркиб ва қийин эрийдиган бирикмаларни ҳосил бўлиш эркин энергияси $\Delta G^0_{хб}$ ўртасидаги боғланиш аниқланди. Адгезион термодинамик меъзон асосида VI- V- IV гуруҳ металлари карбидлари асосли ейилишга чидамли қопламаларни таркиби аниқланиб таклиф қилинди. Масалан, қовушқоқ-пластик металлларга ишлов берадиган кесувчи асбоб учун қоплама сифатида VI- V- IV гуруҳ металлари карбидлари асосли брикмалар тавсия қилинди (адгезион активлиги ортиб боришига қараб).

Уларни қовушқоқ-пластик қотишмалар билан адгезион ўзаро таъсири паст бўлиб натижада камроқ ейилишга мойил.

Ўз навбатида бу механик ишлов беришнинг унумдорлигини оширади (қирқиш тезлиги – v , қирқиладиган қатлам қалинлиги – t , суриш – s), бир вақтни ичида кесувчи асбобни ейилишга чидамлилиги ошади.

Диссертациянинг «Хром, титан, цирконий ва уларнинг нитридлари ва карбидлари асосли композицион нанотузилишлиқопламаларнинг фаза, кимёвий таркиби ва хоссаларининг тажрибавий тадқиқотлари» деб номланган тўртинчи бобида зарур хоссали қопламаларни олишда асосий кўрсаткичлар сифатида қабул қилинган физик-механик ва физик-кимёвий хоссалар тадқиқоти келтирилган. Шу сабабли қопламаларни ҳар томонлама комплекс тадқиқ қилиш ва тадқиқот усулубини тўғри танлаш мазкур ишнинг муҳим ташкил этувчисидир.


Титан нитриди асосли композицион нанотузилишли қопламалар ЎзР Фанлар Академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг «Ион-плазма технологиялари» лабораториясида модернизация қилинган УВНИПА-1-001 қурилмасида намуналар ва кесувчи асбоблар: Р6М5 тезкесар пўлатдан тайёрланган парма ва метчикларда олинди.

Композицион нанотузилишли қопламаларнинг фаза ва кимёвий таркиби «Ион-плазма технологиялари»лабораториясида Оже-спектроскопия ва рентгеноструктур таҳлил усулида тадқиқ қилинди. Оже-спектроскопия усули ёрдамида титан нитридли қопламалар турли ностехиометрик таркибга эга эканлиги аниқланди, масалан $P_{N_2} = 0,0039$ Па азот босимида тенглида $TiN_{0,626}$ $P_{N_2} = 0,399$ Па да $TiN_{0,960}$ эканлиги аниқланди (3-брасмлар).


Қопламалар асосан NaCl типидagi ёқлари марказлашган куб панжарали TiN_x дан ташкил топгани аниқланди. Шунингдек қопламаларда α -Ti ни излари мавжудлиги аниқланди, бу технологик жарён билан боғлиқ. Ностехиометриянинг ўзгариши қопламаларнинг эксплуатацион хоссаларига катта таъсир кўрсатиши аниқланди. Жумладан, азотнинг миқдори 43,60325 ат.% дан 34,27528 ат.% гача камайишида коррозия бардошлик 3-6 барорбаргача ортади.

Қопламаларни фазавий таркиби рентгеноструктур таҳлил усулида ўрганилди. Мазкур усулни мазмуни намунани рентген нурлари билан нурлантириш ва қайтган нурларни тутишдан иборат. Фазавий таркибни тадқиқотлари ДРОН-2,0 дифрактометрда бажарилди. Ушбу дифрактометрда БСВ-11 типидagi найча қўлланилади. Дифрактометрни асосий кўрсаткичлари қуйидагилар: максимал кучланиш-50кВ; максимал анод токи - 60 мА; дифракция бурчагини ўлчаш чегараси 90 дан $+160^\circ$ гача; бурчак белгиси $0,1^\circ$ ва $1,0^\circ$ да бажарилади. Дифракция бурчагини ўлчаш аниқлиги $\pm 0,005^\circ$. Ўзиёзар потенциометр КСП-4 шкала бўйича кўрсаткичлар хатоси 0,25%, диаграмма тасмасидаги ёзувнинг хатоси 0,5%.


Фазавий рентгеноструктур таҳлили барча намуналарда қопламалар битта фазадан - NaCl типидagi ёқлари марказлашган куб панжарали TiNдан ташкил топган эканлигини кўрсатди.




3-расм. $P = 0,399$ Па да титан нитриди асосли қопламаларнинг Оже-спектри



4 - расм. $P = 0,0931$ Па да титан нитриди асосли қопламаларнинг Оже-спектри



5 - расм. P=0,0665 Па да титан нитриди асосли қопламаларнинг Оже-спектри




6 - расм. P = 0,039 Па да титан нитриди асосли қопламаларнинг Оже-спектри

Кристал панжарани даврининг экспериментал қиймати жадвалдагидан катта ($a_{\text{жадв.}} = 0,4235$ нм) бўлиб, камерадаги қолдиқ босимни камайиши билан камаяди. Титан нитриди TiN_x асосли қопламалардаги азот миқдори кристал панжаранинг даврига таъсир этади (7-расм). Қоплама микрокаттиклигига кимёвий таркибни таъсири тадқиқот қилинди. Максимал микрокаттиклик $\text{TiN}_{\sim 0,80}$ ностехиометрик таркибга тўғри келади (8-расм).


Металл ва нометалл материаллардаги хром асосли қопламаларнинг таркиби, структураси ва хоссалари тадқиқот қилинди. Мазкур масала ҳозирги кунда нанотехнологиялар асосида хром асосли юпка қопламалар олишда жуда муҳим. Р6М5 тезкесар пўлатлардан тайёрланган намуналарда хромли қопламалар олиш учун ион-плазма (магнетрон пуркаш) усули УВН-75Р-1 вакуум қурилмасида (ЎЗР ФА Ион-плазма ва лазер технологиялари институти) қўлланилди.

Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатади-ки, энг юқори коррозия бардошликга $\text{TiN}_{0,624}$ қопламали пўлат эга бўлиб, пўлатни коррозия бардошлиги қоплама таркиби стехиометриядан фарқланишига қараб ортиб боради (9-расм). Жадвалда вакуум камерада азотнинг босими ва ностехиометрияни ўзгаришига қараб қопламаларнинг таркиби ва хоссалари келтирилган.


Қоплама қалинлиги стандарт усул асосида МИИ-4 типидagi микроинтерферометрда аниқланди. Бажарилган ўлчовлар бўйича 20мин давомида олинган хромли қопламанинг максимал қалинлиги 2,4 мкм ни ташкил қилди. Тақиқотлар шуни кўрсатди-ки, хромли қопламаларнинг қалинлиги 2-20 минут давомида олинганида вақтга пропорционал равишда ўзгаради. Қопламаларнинг адгезион мустаҳкамлиги қопламали металл стерженларни нормал узиб олиш усулида тадқиқ қилинди. Қопламали намуналарни кимёвий турғунлиги азот ва плавик кислоталари эритмаларида тадқиқ қилинганда ҳимояловчи хромли қопламалар юқори турғунликга эга эканлиги аниқланди.




7 - расм. Титан нитриди кристал панжараси даврининг технологик жараённинг параметрларига боғлиқлиги



8 - расм. Ностехиометрияни қоплама микроқаттиқлигига таъсири



а) 30 мин. дан сўнг



б) 60 мин. дан сўнг


9- расм. Ностехиометрияни қопламанинг коррозия бардошлигига таъсири

Жадвал


Азот босимининг қопламалар таркиби ва хоссаларига таъсири

Азот босими, P_{N_2} , Па	Қопламаларнинг ностехиометрик таркиби	Қристал панжаранинг даври, а, нм	Микроқаттиқлик, H_μ , кгс/мм ² .	Нано заррачалар ўлчами, нм
0,4	TiN _{0,962}	0,427021	1470	200 - 500
0,093	TiN _{0,948}	0,426494	1680	170- 310
0,066	TiN _{0,871}	0,425969	1755	100-160
0,04	TiN _{0,777}	0,425238	1805	50 - 200
0,004	TiN _{0,624}	0,421169	1140	50 - 100

Қалинлиги 1мкм дан кам бўлган хром қопламаларида коррозия нуқталари сони (қопламадаги ғоваклар) қалинлиги 2,3-2,5 мкм бўлган қопламаларга нисбатан 5-10 баробар ортиқ эканлиги аниқланди. Хулоса қилиб айтганда, хромли қопламаларнинг қалинлиги турли режимларда коррозия бардошлигига жиддий таъсир этади. Юза рельефи ва хром нанозаррачалари агломератларининг ўлчамлари тўғрисидаги маълумот ЎзР ФА Полимерлар физикаси ва кимёси институтида ПЭМ-100 ёритувчи электрон микроскоп ёрдамида аниқланди. Юзаларни тадқиқот қилиш учун икки поғонали Pt/C репликалар олинди. 10-расмда электрон микроскоп ёрдамида олинган хромли қопламаларнинг структураси келтирилган. Электрон-микроскопик тадқиқотлар намуналарда турли белгиланган шароитда хром нанозаррачалари мавжудлигини кўрсатди, масалан $P=3 \cdot 10^{-2}$ Па режимда максимал миқдорда Cr наноструктура фазаси шаклланиши маълум бўлди, хром нанозаррачаларининг ўлчамлари 66 нм дан 130 нм гача бўлиб, тузилиши шарсимон шаклда $P=3 \cdot 10^{-3}$ Па режимда олинган намунада хром нанозаррачаларнинг ўлчамлари каттароқ (66-200нм). Учинчи намунада наноструктура ўлчамлари нотекислиги кузатилади, нанозаррачалар ўлчами 20 нм дан 230 нм гача. Шунини қайд этиш лозимки, бу намунада аввалгиларига нисбатан нанозаррачалар сони миқдор жиҳатидан камроқ. Хромли қопламалардаги нанозаррачаларни ҳажмий миқдори ва ўлчамлари технологик режимларга боғлиқлиги 10, 11- расмларда келтирилган.



10 - расм. Намуна 1 –режим: $P=3 \cdot 10^{-2}$ Па, нанозаррачалар ўлчами 50 нм ва 100 нм



11 - расм. Намуна 2 - $P=3 \cdot 10^{-3}$ Па, нанозаррачалар ўлчами 55 % 70 нм, 15 % 120 нм, 30% 170 нм

Диссертация ишида вакуум камерадаги газнинг босими заррачаларнинг миқдорий ўлчамига таъсир қилиши тадқиқ қилинган, масалан: 1-намуна – режим: $P=3 \cdot 10^{-2}$ Па, нанозаррачалар ўлчами 50 нм ва 100 нм орғалиғида; 2-намуна $P=3 \cdot 10^{-3}$ Па, нанозаррачалар ўлчами 55 % 70 нм, 15 % 120 нм, 30% 170нм орғалиғида. Олинган натижалар асосида технологик жараён режимларини ўзгартириш орқали хромли қопламаларда нанозаррачалар ўлчами ва ҳажмий миқдорини бошқариш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилинди. Бажарилган тадқиқотлар асосида наноўлчамли қопламалар олишнинг кенг имониятлари мавжудлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Магнетрон пуркаш усулида цирконий асосли ниобий билан легирланган қопламалар олинди. Zr-Nb оксиди асосида олинган қопламаларнинг қалинлиги, коррозия бардошлиги тадқиқот қилинди. Қопламанинг қалинлиги 3мм гача ошганда коррозия бардошлик максимал қийматига эга бўлиши, сўнгра камайиб бориши аниқланди. Вакуум камерадаги реакцион газни турли режимларида: 0,399 Па, 0,0931Па, 0,0665 Па, 0,039 Па, 0,0039 Па да олинган Zr-Nb қопламаларни текисликлараро масофалари ва моддаларни идентификациясини аниқлаш учун дифрактограммалари ҳисобланди.

Ион-плазма қопламаларни ейилишга чидамлилиги пармалаш станогини асосида яратилган махсус қурилмада ўрганилди. Абразив ейилиш намунани 25°C да абразив доираси бегиланган айланишлар сонидан сўнг (маълум йўл узунлигига тенг бўлади) 0,2 МПа контакт босимда, 1,1 м/с тезликда намунани сирғалишида массасини камайиши бўйича баҳоланди.

Айланишлар сони қадамлараро ҳатоси 10мкм дан ошмаган Ф5071 ҳисоблагич билан қайд этилди. Намуналар массаси руҳсат этилган ҳатоси ±0.5мг бўлган ВЛР-200 аналитик торозда ўлчанди. Қопламали кесувчи асбобларнинг турғунликга чидамлилиги пармалаш станогинида ўтказилди.

Титан карбиди асосли композицион нанотузилишли қопламалар «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» АЖ нинг «Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқиш» ИИБ да ННВ-6,6-И1 қурилмасида олинди ва тадқиқот қилинди.

Кимёвий таркиби, электрон ва атом структураси (расм 12, 13) титан карбиди асосли композицион нанотузилишли қопламаларни HREELS (spectroscopy of energy losses of high-resolution electrons – юқори пикселли электронлар йўқотилиш спектроскопияси), XPS (X-ray photoelectron spectroscopy – рентген фото – электрон спектроскопияси), AES (electronic Auger spectroscopy – электрон Оже-спектроскопияси) усулларида (Москва ш.) Металлофизика ЦНИИЧерМет институти лабораторияларида тадқиқот қилинди.

Титан карбиди асосли композицион нанотузилишли қопламаларни тажрибавий тадқиқотлари асосида TiC учун аниқланди. Диаграммаларда титан ва углерод миқдорига кенг доирада ацителен босимига тўғри келадиган стехиометрик ва ностехиометрик таркибли композицион нанотузилишли қопламалар ҳосил бўлади.

Ҳолат диаграммаси, хоссалар ва р-Т-х диаграммалари ёрдамида титан карбидли қопламаларни оптимал таркиби ва уларни олиш учун мос технологик режимлари танланган таркиб учун газ босими ва асос ҳарорати орқали аниқланади.

Қайд этиш лозим, бажарилган комплекс тадқиқотлар асосида таркиби олинди ва тадқиқ қилинди, натижалари диссертация ишида ёритилган.

Диссертациянинг «Ион-плазма ва магнетрон пуркаш усулида олинадиган композицион нанотузилишли қопламаларни ишлаб чиқилган самарали таркиблари ва оптимал технологик режимларини

технологик ва иқтисодий аспектлари» бешинчи бобида хром, титан нитриди, цирконий-ниобий асосида композицион нанотузилишли қопламаларни шакллантириш жараёни учун ишлаб чиқилган оптимал технологик режимлар ҳамда яратилган қопламанинг иқтисодий самарадорлик ҳисобининг натижалари келтирилган.

Композицион нанотузилишли қопламаларни эксплуатацион характеристикалари уларни фаза, кимёвий таркиби ва структураси билан аниқланади. Ион-плазма ва магнетрон пуркаш усулида композицион нанотузилишли қопламаларни шакллантириш жараёнида асосий ўзгартириладиган параметрлар: асос ҳарорати, вакуум камерадаги реакцион газ босими ва қопламани олиш тезлиги ҳамда қопламани ҳосил бўлиш вақти, разряд токи ва сурилиш потенциалидир.


